
Ҳудудларни дезинфекция қилиш ишларида туман Фавқулодда вазиятлар бўлимининг фаоллиги

Мамлакатимиз ҳудудига кириб келган коронавирус пандемиясига қарши курашиш, мазкур муаммони ҳал этиш ҳар биримизнинг муҳим вазифамиз ҳисобланади.

Туман фавқулодда вазиятлар бўлими ходимлари ҳам ушбу глобал масалада халқимиз соғлигини ҳимоя қилиш учун муносиб ҳисса қўшмоқда.

Хусусан фавқулодда вазиятлар бўлими, туман Санитария-эпидемиологик осойишталик маркази ва бошқа ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда туманимиздаги мавжуд жамоат жойларида, бозорларда, маҳаллалар ва асосий қатнов йўлларида доимий равишда дезинфекция ишлари олиб боришмоқда.

Шунингдек фавқулодда вазиятлар бўлими ходимлари аҳоли хонадонларида бўлиб, инфекция тарқалишини олдини олиш, карантин қоидалари бўйича тушунтиришлар бериб, зарурий эслатмалар тақдим этишмоқда.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати















2020-03-27 21:02:48